

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

# ШИРИН СЎЗ ЖОН ОЗИҒИ

«Совукбулок» маҳалласига ишбилармон йигит Эшмамат Тўхтаев раслик вазифасига сайланди. Билимдон, ташкилотчи йигит фаолиятини фуқароларнинг хурматини жойига қўйиб, аҳолининг ижтимоий шароитини яхшилаш, кам таъминланган, ногирон, уруш ва меҳнат фахрийларига меҳр-мурувват кўрсатишдан бошлади. Унинг ҳаракати бесамар кетмади. Қишлоқларда осойишталик, бир-бирига меҳр-мурувват ортиб, ҳаёт яхшилана борди.

Қишлоқ оқсоқоллари билан баҳамжihat йул ва кўчаларни тартибга келтирди. Президент Фармони асосида тўй-маъракалар тартибли, камчиқимли ўтказила бошланди.

Яккабоғ туманидаги «Совукбулок» маҳалла фуқаролар йиғини хузурида 4 та қишлоқ бўлиб, уларда 8622 нафар аҳоли истикомат қилади. Шулардан 11 нафари уруш фахрийси, 106 киши ногирон, 3 киши якка-ёлғиз, қоровчисини йўқотганлардир.

Меҳр ва мурувват йилида кам таъминланган, ногирон ва якка-ёлғизларни ижтимоий ҳимоялаш намунали амалга

оширилмоқда. Ўтган йили Акмал Акбаров, Йўлчи Равшанов, Мингиш Ярашев, Ҳаким Оқбоев, Ибол Қодиров каби саховатпеша деҳқон-фермерларнинг сай-ҳаракати билан ногиронларнинг ҳар бирига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. «Сохибқирон» ширкат ҳўжалиги ҳисобида ем-хашак, 10 тонна ун ва 22 тонна дон тарқатилди. Қишлоқ оқсоқоллари ташаббуси билан «Наврўзинг муборақ элим» деган хайрия концерти ташкил этилди.

Бу савобли иш жорий йилда ҳам давом эттирилди. «Сохибқирон» ҳўжалиги бошқаруви томонидан Наврўз байрамида 8 та кам таъминланган, 4 та қаровчисини йўқотган кишиларга моддий ёрдам уюштирилди.

Наврўз барча қишлоқларда катта байрамга, хурсандчиликка айлана кетди, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла фуқаро аҳоли истиқомат қилади. Шулардан 11 нафари уруш фахрийси, 106 киши ногирон, 3 киши якка-ёлғиз, қоровчисини йўқотганлардир.

Меҳр ва мурувват йилида кам таъминланган, ногирон ва якка-ёлғизларни ижтимоий ҳимоялаш намунали амалга

Худудимизда удум бўлиб қолган катта хайрия концерти зўр шодлик билан ўтди. Маҳалла жамғармаси ташкил этилди. Концертдан тушган маблағ ногиронларга моддий ёрдам сифатида тарқатилди. Маҳаллада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. 3867 туп манзарали, 2346 та мевали дарахт, 2000 тупдан ортиқ гул қўчатлари экилди. Дарахтларга шакл берилиб, 2 та қабристоннинг атрофи ободонлаштирилди.

Ҳашар йўли билан 2 та кўприк қайта таъмирланди, 3 та кўчага жамоатчиликнинг кучи билан тош тўкилиб, равионлаштирилди, 34 километр ички ариқлар тозаланди, 2 та жойда манший хизмат кўрсатиш, 2 та хусусий дўкон қуриб битказилди. Бу ишларни амалга оширишда қишлоқ оқсоқолларидан Хўшвақт Элмирзаев, Абдуқайири Султонов, Очил Қодиров, Раҳмат Нуралиев, Шўхрат Қодиров, Райхон Рўзиеваларнинг ташкилотчилиги катта бўлмоқда.

Х.ТўРАЕВ

Денов туманидаги «НИГ» масъулияти чекланган жамият 1996 йилда ташкил этилган эди. Шу вақт мобайнида у ривожланишнинг ойдин йўлига ўтиб олди.

Жамият таъсисчиси Иброҳим Наҳимов маҳалла ёшларини касб-ҳунарга ўргатиш ва қўшимча иш ўринлари яратишга катта эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, маҳалла гузарии қошида тикувчилик цехи ташкил этилиб, аҳолининг бепул таҳсил олишларини таъминланди. Маҳаллада шарқона услубдаги шинамгина чойхона қурилиб фойдаланишга топширилди. Тўхтаб қолган гишт ишлаб чиқариш цехи сотиб олинди, унинг фаолияти йўлга қўйилди. Натижада бу ерда ҳам бир неча янги иш ўринлари барпо этилди.

Вилоятда биринчилардан бўлиб автомобилларга суялтирилган газ қуийиш шохобчаси ишга туширилди. У ҳозирда бир кеча кундузда

150-200 та машиналарга хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, қирққа яқин корхоналарга ёқилғи ўз вақтида етказиб берилмоқда. Газ ускуналарини транспорт воситаларига ўрнатиш ва синаш жараёни

## ЗАРАРЛИ ШАРОИТДА ИШЛОВЧИЛАРГА МАХСУС КИЙИМ-БОШ

лари ҳам айнан жамиятнинг ўзига йўлга қўйилган.

Корхона Миллий банкдан олинган 20 миллион сўм кредит эвазига 90 ўринга мўлжалланган замонавий бозор қурилишини бошлаб юборди. Жамиятнинг ўтган йил даврида олинган соф фойдаси 10 миллион сўмини ташкил этди. Шулар ҳисобидан ишчи-ҳодимлар доимий рағбатлантириб келинмоқда. Зарарли шароитда ишловчилар сўт-қатиқ, махсус кийим-бош билан таъминланган. Ишчиларга соғлиқларини тиклаш учун дори-дармон, дам

Касаба уюшмалари бозор шароитида олиш сўхатгоҳларига йўлланмалар бепул олиб берилмоқда. Турли байрамларда ёрдамчи ҳўжаликда етиштирилган

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОЗОР ШАРОИТИДА

гўшт маҳсулотлари ҳодимларга бепул тарқатилиб, илғорлар моддий рағбатлантириб борилади.

Меҳр-мурувват, саховат ишларида ҳам раҳбарият касаба уюшма ҳамкорлигида ишламоқда. Хусусан, «Гулзор» маҳалласидаги кам таъминланган оилалардан 4 нафар боланинг халта тўйи ўтказиб берилди. Бокувчисини йўқотган, ногирон кексалар, меҳнат ва уруш фахрийлари турли саналарда кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан йўқлаб турилибди. Яқинда маҳалла аҳолиси-

ни тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида артезиан қудуги ишга туширилаётган бўлди. Бундан ташқари, ушбу маҳаллада кўприк қурилишини бошлаб юборилди. Шунингдек, корхона спортни ривожлантириш борасида ҳам ўз молиявий кўмагини аямаётир. Вилоят шўхоти мураббий Комил Раҳматулин Иброҳим Наҳимовнинг олдига келиб ҳомийлик қилишини сўраганда, розилигини билдирар экан, «албатта чемпион бўлишинг керак» дея таъкидлаб қўйди.

## НИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА АРТЕЗИАН ҚУДУГИ ИШГА ТУШИРИЛАЁТГАН БЎЛДИ.

«НИГ» масъулияти чекланган жамият келажақда қўшимча тармоқларни шакллантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик қилишни режалаштирган.

«НИГ» масъулияти чекланган жамият келажақда қўшимча тармоқларни шакллантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик қилишни режалаштирган.

Д.ЖОЗИЛОВ,  
Х.ҚОДИРОВ,  
«Ишонч» мухбирлари

## Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

# БИРДЕК ФОЙДАЛИ

Бугунги ижтимоий ҳаётимизда почта ва телекоммуникация хизмати алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис сўнгги йилларда бу соҳа ҳам сезиларли даражада ривожланди, замонавий воситалар билан жиҳозланди. Тармоқ бўлимининг кўп қиррали фаолиятида ҳам тўл ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, «Кашкадарё почтаси» очик ҳиссадорлик жамияти Чирокчи туман филиалида бу борада ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Мавжуд 40 та алоқа бўлимининг деярли барчаси замонавий алоқа воситаларидан фойдаланмоқдалар, — дейди филиал раҳбари Кенжа Жуманов, — Жамоамиз томонидан 2004 йил биринчи ярим йиллик обунаси бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Чунки, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида вақтли матбуот нашрлари учун 100 миллион сўмликдан ортиқ обуна расмийлаштирилди. Муҳим иш қиз-

ин давом эттириляпти. Бу ишда «Бешчама», «Сохибқор», «Чиял» каби ширкат ҳўжалик аъзолари фаол иштирок этишди.

Айни пайтда мазкур филиал хизматидан минглаб аҳоли фойдаланмоқда. Шунинг қувонч билан таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида бу ерда замонавий алоқа хизматини йўлга қўйиш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, қисқа вақт ичида 6 та алоқа бўлими ишга туширилди ва

улар ҳозирги давр талабига тўла жавоб берадиган даражада жиҳозланди.

Галдаги асосий вазифалардан бири қўшимча хизмат кўрсатиш турларини жорий этишдир. Шу мақсадда бир қанча хорижий компаниялар билан ҳамкорликда уяли алоқа хизматини ташкил этиш юзасидан дастлабки қадамлар қўйилди. Бу почта хизмати фаолияти яхшиланиб бораётганидан далолатдир.

Мазкур жамоада айни пайтда 116 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ўз навбатида уларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофазалашга алоҳида эътибор бериляпти.

А.АЛЛАМУРОДОВ,  
«Ишонч» мухбири

Оқолтин туманидаги 9-мактабга Усмон Носир номидаги қишлоқ фермер ва тадбиркорлари келди. Улар спорт зали ва ошхонанинг яроқсиз ҳолга келган томини таъмирлаш учун бир миллион сўм тўплашди.

## МАКТАБГА ТАДБИРКОР ЁРДАМИ

Биз фермер Абдураззоқ Аллаёров билан бирга ҳар қуни мактабга жорий таъмирлаш учун цемент, оҳак ва бошқа қурилиш материаллари келтирилмиш, транспортдан ёрдам берилмиш, — дейди муқобил машина-трактор парк раҳбари Шавкат Уматов.

Педагогик жамоа ва ўқувчиларнинг яна бир нуфузли ҳомийси пайдо бўлди. Оқолтин тумани ички ишлар бошқармаси ҳодимлари бинонинг томини таъмирлаш учун шифер олиб беришга қарор қилишди.

(ЎЗА)



«Зарафшон» киноконцерт залида ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида энг саводли истеъмолчи унвоини учун республика танлови бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ташкил этди.

## ЭНГ САВОДЛИ ИСТЕЪМОЛЧИ

Танловни ўтказишдан қўзғалган мақсад болаларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилиги тўғрисидаги билимларини аниқлаш, уларнинг ҳуқуқий ва истеъмолчилик маданиятини ошириш борасидаги ишларни фаоллаштиришдир.

Барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган мазкур танловда ўрта мактабларнинг жами 250 мингдан ортиқ 9-11 синф ўқувчиси иштирок этди. Улардан биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган 28 нафари якуний босқичда қатнашди.

Танловнинг деярли ҳамма иштирокчиси истеъмолчи ҳуқуқлари бўйича яқин билимга эга эканини намойиш этди. Бу эса ҳайрат аъзоларига голибларни аниқлашда қийинчилик туғдирди. Биринчи ўринни эгаллаган Сирдарё вилояти вакили Хилола Султоновага замонавий компьютер, иккинчи ўрин соҳибии пойтахтлик мактаб ўқувчиси Игорь Пряхинга рангли телевизор, учинчи ўринни эгаллаган наманганлик Ноила Умаровага видеомагнитофон топширилди.

Тошкент вилояти вакили Нодира Қаҳқорова «Энг саводли ёш истеъмолчи» йўналишида қимматли совға билан тақдирланди. 10 киши «Энг яқини ташкилотчи» унвоинга сазовор бўлди.

## ШОУ-БИЗНЕС ҲАМ СУҒУРТАЛАНАДИ

«Тошкент сўгурта» компанияси пойтахтимидаги ўнга яқин меҳмонхона ва бошқа йирик объектларга комплекс сўгурта хизматини кўрсатмоқда.

Банкдан олинган кредит, автотранспорт воситаси, қурилиш, фуқароларни бахтисиз ҳодисалардан яққа ва жамоа шаклида ҳам сўгурта қиламиз, — деди мазкур компания бошқаруви раиси Азиз Рашидов ўЗА мухбирига. — Бундан ташқари, кўргазма, битирув оқшони, спорт мусобақалари ва шоу-бизнес ҳам суғурталанмоқда. Жорий йилда мингдан ортиқ миқозга 9 хил сўгурта турини тақлиф этяпмиз. Умумий мажбуриятлар миқдори 25 миллиард сўмини ташкил этди.

«Тошкент сўгурта» Россиянинг «Ингосстрах», Франциянинг «Sasnas» ва Швейцариянинг «Elvia» каби машҳур сўгурта компаниялари билан мустақам алоқа ўрнатиб, хорижга чиқувчи юртдошларимизнинг бутун дунёда ишончли ҳимояланишини ҳам таъминламоқда.

## Жиззах томонларда

### ИБРАТ ШАҲАРЧАСИ

Жомбой туманидаги «Ҳақиқат» ширкат ҳўжалигининг «Наймантипа» қишлоғида Меҳр-мурувват шаҳарчасини бунёд этишга киришилди. 28 та оилга уй-жой қуриш учун ер ажратилди. Ҳар бирининг қиймати 13 миллион сўмгача бўлган 3 та лойиҳа асосида турар-жой бинолари қад ростлайди. Бундан ташқари, бу ерда майший ва савдо шохобчалари қурилиши режалаштирилган.

### ФАХРИЙЛАРГА БЕПУЛ ЧИПТАЛАР

Жиззахдаги «ЎЭКСАЙДТРАНС» корхонаси Меҳр ва мурувват йилида яқин бир ташаббус билан чиқди. Вилоятдаги 800 нафарга яқин фахрий отахон ва онахонларга шаҳар ва туманлараро йўналишларда қатнайдиган транспортларда бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар берилди.

### ТАШАББУС СЎНМАСИН

Вилоят марказида ҳам Меҳр ва мурувват шаҳарчаси бунёд этилиши режалаштирилган. Шаҳарчада кўзи охишлар учун мактаб, боғча ва шунингдек, майший хизмат шохобчалари барпо этилади. «Ўйжўжамгармабанк»нинг вилоят бўлимида «Меҳр» — шафқат ва саломатлик» фондининг махсус ҳисоб-рақами очилди. Шу пайтгача 20 та корхона ва ташкилот, фермер ҳўжаликлари ҳомийлик қилиш ташаббуси билан чиқди.

### ТУҲФА

Пахтакор туманидаги «Бўстон» агрохизмат маркази худудидидаги «Панғат» қишлоғига табиий газ келди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан 4,5 километр масофага турба тортилиб, 33 миллион сўмлик иш бажарилди.

### И.БҮРИБОВ

## Оммавийлик шиори остида

# СПАРТАКИАДА ЖЎШҚИНЛИК БАХШ ЭТДИ

Касаба уюшма аъзоларининг маънавий камолоти ҳамда жисмонан со-

лигини яхшилаш учун кейинги вақтда оммавий спорт бўйича кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Тармоқ касаба уюшмаларида ўтказилаётган турли спартакиадалар, мусобақалар бу муҳим ишни кенг меҳнат-қашлар ўртасида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ҳодимлари касаба уюшма Марказини футбол, шохмот-шаҳка, сузши, ҳангид атлетика, стол тенниси оғалда оилавий мусобақалар бўйича куч синадилар. Уларда жами 147 нафар иштирокчи қатнашди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» очик турдаги акциядорлик жамиятининг спортчилари кўтарилди. Иккинчи ўрин

эса Тошкент шаҳар касаба уюшма қўмитаси Кенгаши терма жамоасига насиб этди. Учинчи ўринни «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишбати қиқариш бирлашмаси жамоаси эгаллади.

Ҳолибларга тармоқ касаба уюшмалари Марказий Қўмитасининг Фахрий Ерликлари ҳамда қўimmatбаҳо совғалари топширилди.

Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шахридан келган тармоқ спортчилари «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишбати қиқариш бирлашмаси жамоаси эгаллади.

Ҳолибларга тармоқ касаба уюшмалари Марказий Қўмитасининг Фахрий Ерликлари ҳамда қўimmatбаҳо совғалари топширилди.

Н.РАФИҚОВ,  
«Ишонч» мухбири





Жума ўғитлари

АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ

Ун учинчи асрнинг буюк шайхи ва алломаларидан бири Абдулазиз бинни Муҳаммад Насафийдир. У тахминан 1240 йилда Насафда туғилган. Ёшлик йилларини Хоразмда ўтказган Насафий мугуллар истилоси даврида бир оз вақт Бухорода яшадиган, сўнгра аввал Хуросоннинг Баҳрободига бориб замонасининг забардаст донишмандларидан бири Саъдуддин Ҳаммууддан таълим олади. У ердан устозининг ижозати билан Исфохон ва Шероз шаҳарларига ўтади. замонасининг буюк шайхлари билан ҳамсуҳбат бўлади. Аммо душман ва мухлифларнинг таҳдидидан ҳадиксираб, ҳар кун ва ҳар тун жойини ўзгартириб яшайди. Умрининг охириги йилларини Язд вилоятининг Абирқўҳда ўтказган Азизиддин Насафий 1330 йили вафот этади. Баъзи манбаларда Насафий юз йил умр кўрган, деб ёзилган.

Азизиддин Насафийдан бизга араб ва форс тилида яратилган бир қанча илмий асарлар етиб келган. «Ал-инсон-ул-комил», «Ат-танзил», «Зубдат-ул-ҳақоийк», «Мақсад-ул-ақсо», «Оқоз ва анжом», «Асрор-ул-қобилият», «Сулуки мақомат», «Маротиб-ир-руҳ», «Нузул ва уруж», «Нур», «Бу-жуд», «Нафси инсоний» каби рисолалар шулар жумласидандир. Бу асарларнинг қўлёзмалари Тошкент, Тейхрон, Истамбул, Душанбе дастхатлар хазиналарида сақланади. Бу асарларнинг айримлари бир неча дафтардан иборат. Улардан баъзилари турк ва ўзбек тилларига ҳам таржима қилинган. Насафий ўз асарларида ишқ, фано, бако, зикр, ҳақиқатнинг кўп назарий жиҳатларини ҳал қилиб берган: ўзигача бўлган сўфистик таълимотларни қиёсий ўрганган, ўзига ҳақ ақиқадлар билан ривожлантирган. Азизиддин Насафий ижодида инсон шарафи муҳим ўрин тутди. У инсонни жисм ва руҳдан иборат, дейди. Унинг таъбирича, одам борлиқ меъасидир. Вужуд силсиласининг мартабалари унинг ҳизматига: Олам яратилши, барча улуглиги ва азаматлиги билан бир инсондек ҳисобланади. Одам ёлғиз ҳолда барча оламларнинг жамловчисидир.

Оламда донолар кўп, аммо (комил инсон) оламнинг ҳал-биди бўлади, бирдан ортиқ бўлмайди. Бошқаларнинг ҳар бири ҳар хил мартабада бўлади ва у аса оламнинг ягонаси. У оламдан ўтса, бошқа бири унинг даражасига етади ва унинг ўрнига ўтиради. Зеро олам қалбсиз бўлмайди.

Инсон руҳини билганидан кейин энди билгилли, шариат аҳли фикрича, инсон бўлиб, раҳнамолигини тан олади. Натижада шунга муяссар бўлишди, уни ва инсон руҳини иймонли дейдилар. Агар инсон пайғамбарларга иймон келтириш ва улар суннатига амал қилиш баробарида сурункали равишда раббул аламинга ибодат бажо келтирса, унун кунининг кўп қисмини тоат-ибодат билан ўтказса, уни солиҳ ва соҳиб тақво деб, унинг руҳини ҳам тақволи солиҳ руҳи деб атайди. Агар у сурункали ибодат устига, дунёдан буткул юз ўгирган бўлса, уни зоҳид деб унинг руҳини ҳам зоҳид деб атайдилар. Агар яна боз устига, зоҳидликдан ташқари, нарса-ҳодисаларнинг ботиний моҳиятини англаша, назаридан ҳеч нарса яширин қолмаса ва тақдир чегарасидан ирфон чегарасига қадам қўлган бўлса, уни донишманд (ориф) дейдилар. Агар унинг руҳини донишманд (ориф) руҳи деб айтдилар. Агар ирфоний маърифат устига боз Ҳақ таоло уни ўзига қурб (яқин) қилиб танлаган ва муҳаббатига мушарраф этиб, қалбини нури билан ёритган бўлса, уни валий деб, унинг руҳини валий руҳи деб атайдилар.

Ҳамидхон ҲОМИДИЙ тайёрлаган

Касаба уюшма тадбири ПРОФЕССОРЛАР БАҲСИ

9-Май «Хотира ва қадрлаш кўни» ҳамда Меҳр ва муруват йили муносабати билан Қашқадарё вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан профессор-ўқитувчиларнинг биринчи вилоят спартакиадаси ўтказилди. Қарши муҳандислик институтининг иссиқлик энергетика факультети ўқитувчиси Дилла Мамедовлар галаба қозонди.


Стол теннис бахсларида эркаклар ўртасида Марат Ибрагимов (ҚМИИ агромуҳандислик факультети декани муювини.) хотин-қизлар ўртасида шу институтнинг иссиқлик энергетика факультети ўқитувчиси Дилла Мамедовлар галаба қозонди.

Ақл қайроғи – шохмат беллашувларида Қарши Давлат Университети ўқитувчиси Толиб Остонинов, айлар ўртасида физика-математика фани ўқитувчиси Мақсуд Шониевлар кучли эканликларини исботладилар. Шашка ўйинида эса мезбонлар вакили Чори Ҳамроев ҳамда ҚДУ касбий таълим куллиети ўқитувчиси Шарифа Ганиева зафар қўнди.

Аристернинг буйица бахсларда ҚДУ ўқитувчиси Фуркат Каҳорова тенг келадиган тоғилмади. Стрибол ва арқан тортиш бахслари ҳам жуда қизиқарли кечди. Унда Константин Смирнов бошчилигидаги Қарши Давлат университети жамоаси ғолиб чиқди.

Спартакиада ғолиблари таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Энди улар олий таълим профессор-ўқитувчиларининг биринчи Республика спартакиадасида иштирок этадилар.

Ш. ЙЎЛДОШЕВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раисининг ўринбосари




Машраб ўзбек мумтоз шеъриятининг энг ёрқин намойндаларидан бири. Шоир ишонинг тараккий этишида адабий муҳит, ижтимоий-сиёсий давр, ҳусусан, устозларнинг ўрни бекиёс. У илк сабоқни кимдан олгани маълум эмас. Фақат манкабаларда етти йида мактабга боргани, ўн беш ёшдан бошлаб эса Мулло Бозор Охунд қўлида тахсил олгани ёзилди. Мулло Бозор Охунд ўз даврининг эътиборли кишиларидан бўлган. Замонадошлари уни девонажон лақаби билан улуғлайдилар. Уни Машраб шундай таърифлаган:

Маърифатнинг бозори Мулло Бозор девона, Ошиқларнинг сардори Мулло Бозор девона. Демак, у соҳиббол ва мажзуб киши бўлган. Бу далил Машраб ҳаётини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Чунки Машраб қиссаларида айтилганидек, Мулло Бозор Охунднинг танигунга қадар «авлиёи модарзод», «масти мустаграк» бўлган. Унда ҳозиржавоблик, ўткир мушоҳада, эҳр ва ўзига ҳос бир кайфият бўлганлиги табиий. Бироқ Машраб сулуқдан жазбага етган. Яъни, аввал солиқ, сўнгра мажзуб бўлган. Айримларда эса аввал жазба галаба қилган. Улар шундан сўнг сулуққа кирганлар. Албатта, жазба Ҳақнинг ўз севган бандасига эҳсон. Аммо пир шу йул билан муридиди тарбия этиши ҳам мумкин. Машраб бир вақтнинг ўзида сулуқ ва жазбадан тарбият толган. Ундаги бу хислатни кўрган Мулло Бозор Охунд уни Қашқарга йўллади.

Офоқўжа ва Машраб адабиётшуносликнинг энг қизгин мавзуларидан бири. Шайбонийхон Марказий Осиёни эгаллашган, Фарғона ҳокими ўрнида турган Саидхон Шарқий Туркистонга қочиб кетиб, 1514 йилда у ерда Саидийа хонлигини ташкил этади. Мақдуми Аъзам авлодлари эса ушбу хонликка хизмат қилган. XIV-XV асрга келиб, тасавуф оқими катта сиёсий кучга айланган. Шохлар авом эътиборида бўлиш, халқни бошқариш учун ҳам бирор-бир пирга боғланганлар. Саидийларнинг сўнги вакилларидан Исмонилхон ҳам Офоқўжага мурид бўлган. Аммо давлатда юз бераётган инқироз-

ларни кўрган Офоқўжа тожу тахт даъвосини қилди. Чунки Қосоний Даҳбедийнинг иккинчи хотинлари, Исҳоқхоннинг онаси Чингизийлардан бўлган. Тарихи ҳамидада келтирилганидек, Офоқўжа Исҳоқхожа авлодларига боғлиқлик туфайли ўзини хон-



Учқўрган туман халқ таълими бўлимига қарашли 4-ўрта умумтаълим мактабиде 543 нафар ўқувчи тахсил оляпти. Уларга 15 нафар малакали ўқитувчи сабоқ бермоқда. Таълим муассасаси тўла компьютерлаштирилган. Электрон ҳисоблаш теҳни-

Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

Инсон хотираси унинг ҳаёти каби азиз ва муқаддас. Ёруз дунёдан кўз юмиб кетган дўсту қаддонлар ёди ҳаминша қалбимизда. Қасбининг қадимий Султон Мирҳайдар мазоридан қашқадарёликлар Мусо Каром (Мусо Каромов) деб эъозлаган, тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйиб кетган аъжойиб инсоннинг хоки туроби жой олган. Зибраттоҳга фарзандлари, қариндош-уруғлари, дўстлари тез-тез келиб туришади. Қабр устида алвон долларлар...

Ҳақиқий дўстнинг қадри у дунёдан ўтгандан кейин биланар экан. Мусо ака ҳаёт бўлганида, 3 май кунин олтимиш ёшга тўлар эди. Тасодифий касаллик туфайли ўлим уни орамиздан олиб кетганига ўн йил бўлди. Умрини халқ бахт-саодати, эл-юрт равнақи йўлига бағишлаган кишиларни ҳурмат билан ёдга олиш, хотирасини эъозлаш инсоний бурчимиз. Олтмишинчи йилларнинг ўрталарида унинг муҳбирлик фаолиятини бошлаган бу қиллоқ йиғити турмушининг оғир синоваларидан ўтди. Меҳнатда тоблани, элда обрў-эътибор топти.

Тошкент Давлат Миллий университети журналистика факультетини битирган Мусо Каромов ҳозирги «Туркистон» газетасида дастёр, саҳифа ўқувчи, мусаҳҳиҳ адабий ходим бўлиб ишлади. Тажрибали журналистлар устозлигида газетачиликнинг сир-асрорларини ўрганди. Республикамининг забардаст публицистлари марҳум Абдулазал Воҳобов, Маъруф Назаров, Уктамо Усмонов, Муҳаммаджон Қўшоқов қабилар унга илк бор оқ фотиха берган эдилар. Мусо Каром журналистиканимиз устозлари Рустам Шоғуломов, Мақсуд Қориев, Ла-

зиз Қаюмов каби устозлардан сабоқ олиб катта тажриба орттирди. Ижодий иш яратувчилик демакдир. Мусо ака ёшлар газетасининг Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро ви-

лоятлари бўйича махсус муҳбири бўлиб ишлаган даврда мамлакатимизнинг кўпчилик шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқди, келажимиз ворислари ҳисобланган ёшлар муаммоларини матбуот саҳифаларида кенг ёритди. Иқтидорли журналистнинг маҳорати «Ўзбекистон овози» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича муҳбири сифатида фаолият кўрсатган пайтда яққол кўринди. М.Каромов Қашқадарёнинг бағрикенг далау даштларини, йил бўйи яшиллик аримаган тоғу ўрмонзорларини беҳад севарди. Уни Нишон ва Муборак чўпонлари, Талимаржон ва Шўртан қурувчи бунёдкорлари яхши билишар ва эъозлашар эди. Кўп йиллик самарали меҳнатлари қадр топиб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвонига мушарраф

ши табиий. Шоирнинг «Зебо санамим», «Эй санамим парлик», «Қиз» каби қўлаб газалари юксак инсоний туйғуларнинг гўзал ифодасидир. Бироқ бу муҳаббатни айнан Офоқўжанинг қанизагига нисбат бериш ноурин.

Қолаверса, етти йил сулуқ таълимини олган, мажзуб ва ошиғи барҳақ сифати билан улугланган Машрабнинг Офоқўжани қанизаги билан пирнинг даргоҳидан қувилмаган даражада ишқий муносабатда бўлганлиги-

МАШРАБ ҳақидаги афсона ва ҳақиқатлар

ликка муносиб ҳисоблаган. Машраб билан Офоқўжа ана шу вақтда ижтимоий-сиёсий сабабларга қўра ажралишди. Бу ҳақда «Таскиран каландаронда» ҳам ишоралар бор. Етти йил Офоқўжа даргоҳида хизмат қилган шоир иршод олмай, у ердан кетишга мажбур бўлган. Чунки Машраб руҳоний кишиси эди. У бошқа каландар муридлар сингари пири билан тахт талашиб юра олмасди. Узоқ вақт дарбадарликда юрган Офоқўжа 1678 йилларда мурид мухлислари ёрдами билан тахтни эгаллайди. Устоз ва шогирдлик одобини сақлаган Машраб пири ҳузурига қайтиб боради. Манкабаларда айтилганидек, Машрабнинг иккинчи марта Қашқарга қайтиб бориши шу даврга тўғри келади. Қанизақ можароси эса шоирнинг дунёдан аҳли аёл ва фарзандсиз ўтганига қўрсатилган бадийий-тўқима - бир сабаб бўлса керак. Унинг шеърларида бу можарога ишора ёки норозилик умуман сезилмайди. Машраб кимнидир севган бўли-

га ишонин қийинроқ. Қиссаларда бу ҳақдаги лавҳаларнинг турли-туманлиги ҳам уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Масалан, Н.Н.Пантусов манокйаблага суяниб, Машраб қирғиз маликаси Сатирхобдан ўғил кўрган ҳақида маълумот берган. Балоғатга етган, у ҳам баҳодир, валий йигит бўлиб етишган. Қабри Харғоснинг шарқий (чап) қирғоғида жойлашган. Ушбу лавҳанинг тарихий ҳақиқат эканлигини ҳам қанизақ ҳиқояти каби манбалар тасдиқламайди. Газалларда «Йул уза келди Машрабнинг, қўл узат, эй Офоқ хожам», «Ҳидоят кўргузинг, офоқ хожам пушти паноҳимсиз» мисралари учрайди. Машраб: Ҳар нафаски, менда бор бўлди мадад Офоқ хожам, Бўлмас э бир қуруқ ёғоч, даштда кўксор ўзум, Байтида пирига эҳтиромини ифодалаган. Ушбу газалда у: «Қуддиси сирийи Хожам отимни Машраб дедилар», дея Машраб тахаллусини Офоқўжадан олганини айтади.

Теннис «КИЧКИНТОЙ -2004» ТЕННИС МУСОБАҚАЛАРИ янги юлдузларни кашф этади

Спортнинг теннис тури инсон саломатлиги учун энг керакли элементларни ўз ичига олган. Айниқса, бу спорт тури болалар учун жуда фойдали. Чунки теннис ўйнаётган бола, ҳам сакрайди, ҳам югуради, ҳам қўлларини тез-тез ҳаракатга келтиради. Унинг қўзлари эса учиб келаётган теннис коптоғини сонияда қўришга кўникади. Асабларни мустаҳкамлаш, иродани чинкиртириш, матонатни тоблаш, жисмоний камолот хислатларини ривожлантиришда бу спорт турининг ўрни бекиёс.

Шу ойнинг 9-15 май кунлари пойтахтнинг Юнусобод туманида жойлашган «Учқун» спорт мажмуасида «Меҳр ва муруват йили» ва Халқаро болаларни муҳофаза қилиш кўнига бағишланган теннис бўйича анъанавий «Кичкинтой -2004» Республика мусобақалари бўлиб ўтади. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган ёш теннисчилар ўзаро куч синашадилар. Мусобақа ташкилотчилари «Ўзфармсанот» ДАК, «Ўзбе-



кэнерго» ДАК, «Ўзбекнефтгаз» МХК ва Ўзбекистон ёқилга -энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси бахсларни аёло даражада ўтказишни режалаштирган. Бахсларнинг ўтказишдан асосий мақсадимиз, теннис билан шўғулланувчи иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларини теннисга ошно қилишдан иборат. - дейди мусобақа ташкилотчиларидан «Ўзфармсанот» ДАК ходими Мухтор Рўзиев. Турнирда 10 ёшгача бўлган болаларлар иштирок этади. Мусобақаларнинг очилиш маросими 10-май кунини бўлиб ўтади.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ишонч» муҳбири

Хотира ҳамиша уйғоқ

Республика иходкор ёшлар мукофотининг совриндори бўлган меҳнатқаш журналистнинг «Қарши - зарбдор қурилиши», «Табаррук излар», «Дашт баракиси» каби публицистик иқтиблари, юзлаб қизиқарли мақолалари чоп этилди. Мусо ақанинг эътиборли тарафи шунда эдики, у юрт оқсоқоллари билан баҳамжиҳат иш олиб борди. Ҳатто



БЕНАЗИР ИНСОН ЭДИ

ўткир танқидий мақолалар ёзганда ҳам уларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга оларди.

Мухбирлик палаттишқили ёқтирмайди, - дерди Мусо ака ёшларга насихат қилиб. - Бу ишда чапанлик, ховлиқлик кетмайди. Мавзу чуқур ўрганилиб, ақл тазоусидан ўтказилиб, кейин қаламини қўлга олиш керак.

Кечагидек ёдимда, Мусо ака софиди одамларни қоралаб, «Юмалоқ хат» ёзувчи шикоятчилар тўғрисида каттагина мақола эълон қилди. Танқидий материал катта шов-шувга сабаб бўлди. «Езувчилар» муҳбирнинг устидан марказга устма-уст шикоятлар ўғрилди. Аризалар текиририлганда, бирортаси ҳам тасдиқланмади. Ақинча оддий одамлардан тортиб раҳбарларгача ҳақиқатгўй муҳбирни қўллаб-

Буюк аждодларимиз

Шундай бўлса-да, иккинчи марта пири ёнига қайтган Машраб у ерда узоқ туриб қолмади. У Шайбонийлардан кейин ажл олган феодал тарқоқлик ва сиёсий-иқтисодий емирилишлар даврида яшаб ўтди. XVII-XVIII асрларга келиб, диний-тасавуфий оқимлардан ҳам парокандалик, фитна, инқироз кучайган эди. Шу сабаб Машраб маърифатни қаландарликдан излаган. Тўғри, у биринчи марта Офоқўжа даргоҳидан кетгандан кейин Қаршига бориб, Ҳасанхўжа деган «Хожам подшоҳ» номи билан машҳур шайхдан тасавуф илмини ўрганган. Сўнгра Машраб Муҳаммад Шариф ал Алавий ал-Хусайний ҳузурига борган. Етти-саккиз юз шогирдига ваъз ўқиган фақиҳдан ҳам тўла маънавий қониқш олмаган Машраб қаландар либосида юрт кезган. Бунга маънавий-руҳий эътиёб сезган. Саргардонлик, қаландарона ҳаёт унинг жазбасини орттирди. Муроднинг етай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл, Ситам аҳли ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

- дейди шоир. XVI аср охиридан XX аср бошларигача қаландарлик катта бир ижтимоий гуруҳ, мустақил бошқарув тизимига эга жамоатни ташкил этади. Бу яшаш тарзининг бир шакли, касбдек омималлашиб кетган, ҳатто алоҳида қаландарлар маҳалласи бўлган экан. Лекин Машраб қаландарликка кун кечирини манбаи, яшаш тарзи сифатида қарамаган. Шу сабаб: «Қаландар Маршабингман, икки оламни ўтти», дейди. Унинг қаландар бўлишдан мақсади ишқ сирини, борлиқнинг моҳиятини англашдир. У ҳақиқатга маърифатдан, маърифатга риёзатдан, риёзатга савҳатдан етишган.

Дилором ҲАМРОЕВА, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Соҳидов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибят 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топириш вақти - 21.00. Топириш вақти - 23.10.

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсатқичи: 133; 134. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.